

Ўзбекистон Республикаси
Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирининг
2023 йил “_____” _____ даги
_____ -сонли буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИННИГ

УСТАВИ

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

SIRDARYO VILOYATI HUDUDIY BOSHQARMASINING

USTAVI

Гулистон шахри - 2023 йил

1-боб. Умумий қоидалар.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги худудий бошқармаси - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14 сонли Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Сирдарё вилояти Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси негизида ташкил этилган.

2. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги худудий бошқармаси (бундан буён матнда Бошқарма деб юритилади) мақоми, асосий вазифалари ва функцияларини, ҳукуқлари ва жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди.

3. Бошқарма ҳудудда олий, ўрта махсус ва профессионал таълим соҳасида инновацияларни жорий этиш, таълим сифатини назорат қилиш, билим ва кўнималарни баҳолаш ҳамда хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари, нодавлат, нотижорат ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи.

4. Бошқарма ҳудуддаги Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси, Инновацион ривожланиш худудий бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг худудий бўлими, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази худудий бўлими ҳамда Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг худудий вакилликларининг барча ҳукуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) тузилмасида ташкил этилади ва унга бўйсунади.

6. Бошқарма ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги буйруқларига, шунингдек, ушбу Уставга ва бошқа қонун хужжатларига амал қиласи.

7. Бошқарма юридик шахс ва бошқарма аппарати ходимлари давлат хизматчилари ҳисобланади. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ҳамда

бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилигининг ҳудудий бўлинмаларида шахсий ғазна ҳисоб ва рақамларига, банк ҳисоб ракамларига, шу жумладан хорижий валютадаги банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

8. Бошқарманинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи-Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси, қисқартмаси-ОТФ ва ИВҲБ;

б) рус тилида:

Территориальное управление Сырдарьинской области Министерство высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан

в) инглиз тилида:

The regional department of Sirdarya region Ministry of higher education, science and innovations of the Republic of Uzbekistan

Бошқарма жойлашуви манзили: 120100, Гулистон шаҳри, 1-мавзе, “Навбаҳор” маҳалласи, Хондамир кўчаси, 49-үй.

2-боб. Бошқарманинг тизими.

9. Бошқарма тизимига қуйидагилар киради:

Бошқарма аппарати;

ҳудуддаги олий ва профессионал таълим муассасалари (касб-хунар мактаблари колледжлар ва техникумлар), инновацион инфратузилмалар.

3-боб. Бошқарманинг асосий мақсади, вазифалари ва функциялари.

10. Бошқарманинг асосий мақсади;

ҳудудда профессионал таълимни ягона давлат сиёсати талаблари асосида ташкил этиш, профессионал таълимни ривожлантириш, профессионал таълим муассасаларида ўқув-методик, маънавий-маърифий ва моддий-молиявий фаолиятни мувофиқлаштириш;

ҳудудни инновацион ривожлантириш ва таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини ташкил қилишга қаратилган самарали тадбирларини амалга ошириш;

ҳудуддаги олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасаларига қабул қилиш ҳамда билим ва малакаларни баҳолаш бўйича ўтказиладиган тест синовларини адолатли, холис ва шаффофф ўтказилишини ташкил этиш;

ҳудуддаги олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш;

хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш ва уларни мукаммал ўзлаштириш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда ҳокимликлар, иқтисодиёт тармоқлари, давлат бошқарув органлари ва олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасалари кесимида хорижий тилларни билиш рейтингини юритиш ҳисобланади.

11. Қуидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

вазирликка юклатилган асосий вазифалар ва функцияларнинг ҳудудларда ижросини таъминлаш;

Вазирликнинг марказий аппарати ва бўлинмаларининг вазифаларини бошқарманинг тегишли бўлим ва мутахассислари томонидан ижросини таъминлаш;

идоравий мансублигидан қатъий назар профессионал таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўкув-педагогик ва илмий-услубий раҳбарликни амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш сифати, таълим мазмуни ва даражасини таълим ва профессионал стандартлар талабларига мослигини таъминлаш;

профессионал таълим муассасаларида ўкув жараёнини ташкил этиш аҳволини ўрганади, такомиллаштириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этишга услубий ёрдам кўрсатиш;

профессионал таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич такомиллаштириб борища иш берувчи корхоналар билан ҳамкорлик ишларини ташкил этиш;

профессионал таълимнинг йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификаторини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириб бориш бўйича таклифлар тайёрлаш;

профессионал таълим муассасалари ўкув-методик ишларини уларнинг идоравий мансублигидан қатъий назар мувофиқлаштириш;

профессионал таълим муассасаларининг дарсликлар, ўкув қўлланмалар, илмий-адабиётлар, лугатлар, энциклопедиялар ва бадиий адабиётлар бўлган реал эҳтиёжини ўрганади ва буюртма бериш;

касб-хунар мактаблари ўқувчиларини умумтаълим фанларидан дарсликлар билан таъминлашни ташкил этиш;

профессионал таълим муассасалари битирувчилари учун давлат намунасидаги ҳужжатларни берилишини ҳамда уларни электрон базаларга киритилишини назорат қиласди;

профессионал таълим муассасалари битирувчилари учун диплом ва диплом иловаларига ҳамда сертификат бланкаларига Вазирликка буюртмалар бериш;

педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институт хузуридаги Илғор профессионал тайёргарлик марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказиладиган тест синовлари учун қўйиладиган талабларга мувофиқ бино ва иншоотларни танлаш ва жиҳозлашда худудда маҳаллий ҳокимият органлари ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаш;

тест синовларини ўтказишга гурух назоратчиларини жалб этиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

гурух назоратчилари банкини шакллантириш, тест синовини ўтказиш тартиби бўйича улар учун амалий семинарлар ташкил қилиш;

жойларда тест синовларини белгиланган тартиб асосида сифатли ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда унинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

профессионал таълим муассасаларининг педагог кадрлар билан таъминланганлигини мониторинг қилиш ва профессионал таълим муассасаларидаги педагог кадрларга келгусидаги эҳтиёжни аниқлаш;

профессионал таълим муассасалари битиравчиларга бериладиган диплом ва диплом иловаларига ҳамда сертификат бланкаларига индивидуал QR-код қўйиш тизими орқали тўғри тўлдирилиши, тарқатилишини назорат қилиш;

ўқувчилик гувоҳномалари ва ўқув машғулоти журнallарига буюртмаларни шакллантиради ва таълим муассасаларига етказилишини ташкил қиласди;

профессионал таълим муассасаларида қисқа муддатли курсларни ташкил этиш ҳамда қисқа муддатли курсларнинг ўқув дастурларни ишлаб чиқишини ташкил этиш;

профессионал таълимини ривожлантириш бўйича кенгашлар, симпозиумлар, семинарлар, ўқув-методик конференциялар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

ўрта маҳсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини беришда таълим муассасалари томонидан ўз вақтида киритилишини назорат қилиш;

иктисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олиб, меҳнат бозоридаги кадрларга бўлган реал эҳтиёж, иш берувчиларнинг таклифлари ҳамда “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида шахсларнинг таълим олишига кўмаклашиш;

мөхнат бозори эҳтиёжлари, ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳамда иш берувчиларнинг буюртмаларидан келиб чиқиб, профессионал таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси параметрларига таклифларни шакллантириш;

профессионал таълим муассасалари ўқувчилари амалиётларини иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этишнинг комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш ҳамда бу борада иш берувчилар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш устахоналарини модернизация қилиш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, спорт-соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича таклифлар киритиш;

профессионал таълим муассасаларида белгиланган тартибда ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этиш;

илмий фаолиятга оид худудий дастурларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг юритиш;

лойиҳалар (ишланмалар)ни ташаббус қилиш (яратиш) ва амалга оширишда кўмаклашиши, илмий ташкилотлар ҳамда корхоналар томонидан амалга оширилаётган лойиҳа (ишланма) лар натижаларининг ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг тегишли тармоқларга жорий этилишини мувофиқлаштириш;

худудлардаги илм-фан ва инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, шунингдек, худуддаги Инновацион фаолият ва технологиялар трансфери марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

худудда инновацион инфратузилмалар (инновацион марказлар, трансфер марказлари, инновацион тадбиркорлик субъектлари, бизнес акселератор, бизнес-инкубаторлар, технопарклар ва бошқалар)ни ташкил этиш ва фаолиятини юритишга кўмаклашиш;

худуд иқтисодиёти муаммолари ечимига қаратилган фундаментал, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар мавзуларини шакллантириш асосида худудлар илмий салоҳиятини такомиллаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва улар асосида мавзуларни танловларга тақдим этиш;

худуддаги хўжалик бирлашмалари ҳамда устав фондида давлат улуси 50 фоиз ва ундан юқори бўлган йирик корхоналар раҳбарларининг инновацияларни жорий этишга масъул ўринбосарлари ҳамда инновацион марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

инновацион ғоялар ва ишланмаларнинг қўргазма ва ярмаркаларини ташкил қилиш, илмий-амалий семинарлар ва анжуманлар, шунингдек худуд иқтисодиётидаги долзарб мавзуларда қисқа ўқув курсларини ташкил қилиш;

ҳудуднинг инновацион рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга илгор замонавий технологияларни жорий қилишга йўналтирилган самарали тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш;

ҳудудни инновацион ривожланиши масалаларида қонунчиликда белгиланган вазифаларни бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

ҳудуд иқтисодиётининг устувор йўналишларида, шу жумладан қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни саклаш ва саноатда инновациялар ва замонавий технологиялардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;

ҳудуддаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини оширишда инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш;

ҳудуд ижтимоий-иктисодий салоҳиятининг барқарор ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар сифатида инновацион инфратузилмасини шакллантириш тадбирларини белгилаш;

ҳудудда илмий-техник ва инновацион сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг илмий-техникавий дастурларини тасдиқлашни ташкил қилиш;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот муассасалари ва тармоқ корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда иштирок этиш;

жойларда тест синовларини белгиланган тартиб асосида сифатли ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда унинг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш;

таълим фаолиятининг сифатини оширишда таълим муассасаларига кўмак бериш ва назорат қилиш;

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказишда ваколатли органлар ва ташкилотларнинг ҳамкорлигини ташкил қилиш;

талабалар ва тингловчилар билимларининг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари, давлат талаблари ва малака талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш, таълим муассасалари рейтингини аниқлашда иштирок этиш;

олий таълим муассасаларининг таълим сифатини назорат қилиш бўйича бўйимлари ўтказадиган ички аттестация жараёнини ҳамда соҳадаги кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш масалаларини мувофиқлаштириш;

ҳудудда узлуксиз таълим тизимида таълим сифатини ва кадрлар тайёрлаш сифати назорати бўйича мониторинг юритиш;

ҳудуддаги аҳоли орасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш ва уларни мукаммал ўзлаштириш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда ўқитувчиларда замонавий ўқитишни замонавий ўқитишни замонавий ривожлантириш;

ҳудудда тармоқлар ва таълим муассасаларининг хорижий тилларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёжларини таҳлил қилиш натижалари асосида талаб юқори бўлган хорижий тилларни ўқитишни ташкиллаштириш;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва давлат таълим муассасаларининг хорижий тилларни ўқитишни оммалаштириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

хорижий ва маҳаллий ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатиб, уларнинг молиявий, ташкилий ва услубий кўмагини мамлакатда хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришга жалб қилишни ташкил этиш;

ҳудудда маҳаллий ҳокимият органлари ва идоралар билан биргаликда давлат хизматчиларининг касбий фаолиятини хорижий тилларда амалга ошириш имкониятини берувчи услубиётларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш;

ҳудудда талаб юқори бўлган камидаги ўнта хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаш;

ҳудудда хорижий тиллар ўқитувчилари учун малака талаблари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда уларга малака тоифасини бериш жараёнини очиқлик тамойили асосида ташкил этиш;

Жойларда тест синовларини белгиланган тартиб асосида сифатли ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда унинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш вазифаси ҳисобланади.

12. Бошқарма ўзининг вазифаларини амалга ошириш учун қуидаги функцияларни бажаради:

Худуддаги таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари, Вазирликнинг буйруқлари ва бошқа йўриқномаларининг бажарилишини мунтазам назорат қилинишини таъминлайди;

ҳудуддаги таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш аҳволини ўрганади, такомиллаштириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этишга услубий ёрдам кўрсатади;

профессионал таълимнинг йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификаторини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириб бориш бўйича таклифлар тайёрлайди;

профессионал таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич такомиллаштириб борища иш берувчи корхоналар билан ҳамкорлик ишларини ташкил этади;

профессионал таълим муассасалари ўқув-методик ишларини уларнинг идоравий мансублигидан қатъий назар мувофиқлаштиради;

профессионал таълим тузилмалари ва бўлимлари ишларини ўқув-методик жиҳатдан мувофиқлаштиришда таклиф ва тавсиялар тайёрлайди;

профессионал таълим муассасаларининг дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий-адабиётлар, луғатлар, энциклопедиялар ва бадиий адабиётлар бўлган реал эҳтиёжини ўрганади ва буюртма беради;

касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларини умумтаълим фанларидан дарсликлар билан таъминлашни ташкил этади;

Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институт хузуридаги Илғор профессионал тайёргарлик марказлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Малакани баҳолаш марказлари томонидан ўтказиладиган имтиҳонларга профессионал таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш таълими усталарини жалб этилишини ташкил қиласди;

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказиладиган имтиҳонлар бино ва иншоотларни танлаш ва жиҳозлаш борасида қўйиладиган талабларнинг бажарилишини таъминлаш;

тест синови иштирокчилари учун тест синовини ўтказиш тартиби бўйича амалий семинарлар ташкил қилиш;

маҳаллий ҳокимликлар ва идоралар ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда тест топширувчилар ҳақида маълумотларнинг йўналишлар ва гурухлар бўйича тақсимоти асосида ишларни ташкил этиш;

амалдаги ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида тест синовларини ташкил этишни такомиллаштириб бориш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

тест топширувчилар учун тест синови тартиби бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқища иштирок этиш;

тест синовларининг шаффофлигини таъминлаш учун тест синовлари иштирокчиларини белгиланган вазифаларига кўра фаолият юритишини мувофиқлаштириш;

буортмачиларнинг буортманомаларига мувофиқ тест синовларини ўтказиш;

шартнома бўйича жисмоний ва юридик шахсларга илмий-методик, ахборот консалтинг ҳамда намунавий тест топшириқлари асосида диагностик тест синовлари ўтказиш хизматларини кўрсатиш;

профессионал таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация жараёнини ташкил этишда иштирок этади ва натижалари мониторингини олиб боради;

профессионал таълим муассасалари битиувчиларга бериладиган диплом ва диплом иловаларига ҳамда сертификат бланкаларига индивидуал QR-код қўйиш тизими орқали тўғри тўлдирилиши, тарқатилишини назорат қиласди;

ўкувчилик гувоҳномалари ва ўқув машғулоти журналларига буюртмаларни шакллантиради ва таълим муассасаларига етказилишини ташкил қиласди;

профессионал таълим муассасаларида қисқа муддатли курсларни ташкил этади;

каслар ва мутахассисликлар бўйича таълим дастурларининг бажарилишини назорат қиласди;

идоравий мансублигидан қатъий назар, бошланғич профессионал, ўрта профессионал ва ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари ўқув-методик ишларини ривожлантиради;

профессионал таълим министри ривожлантириш бўйича кенгашлар, симпозиумлар, семинарлар, ўқув-методик конференциялар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

ўрта маҳсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини беришда таълим муассасалари томонидан ўз вақтида киритилишини назорат қиласди;

профессионал таълим муассасаларида давлат таълим стандартини ва мутахассисликлар (каслар) таълим стандартларини бажариш мониторингини ташкил этади;

мехнат бозори, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларда ўрта бўғин кадрларга бўлган эҳтиёжни ўргангандек ҳолда, тасарруфидан профессионал таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда касблар ва мутахассисликлар рўйхатини ва қабул параметрларини шакллантиради;

маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, йирик иш берувчи ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда профессионал таълим муассасалари ўқувчиларини корхона ва ташкилотларда амалиёт

ўташларини ташкил қилиш жараёнларини мониторинг қилади, зарур ҳолларда жойига чиққан ҳолда ўрганишлар олиб боради;

зарур ҳолларда профессионал таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш (ёки оптимизация жараёни бўйича) ва янада яхшилаш масалаларида таклифлар киритиб боради;

амалдаги тартиб асосида профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклашни ташкил этиш ва ўқувчилар ҳаракати (контингенти) мониторинги ишларини олиб боради (хорижий фуқаролар бундан мустасно);

профессионал таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, дуал таълим шакли асосида ўқитиладиган касб ва мутахассисликларни аниқлаш ҳамда профессионал таълим муассасалари ўқитилишини йўлга қўяди;

давлат ва нодавлат профессионал таълим муассасаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиялаш, аттестация ва аккредитация қилиш ишларida ўз ваколати доирасида иштирок этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ профессионал таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини режалаштиради, ташкил этади ҳамда педагог кадрлари аттестациясида иштирок этади;

ваколати доирасида тегишли ташкилий, кадрлар, молиявий, ишлаб чиқариш-хўжалик ва бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

ҳудуд иқтисодиётининг тармоқларини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш дастурларини инновацион ривожланиш тадбирлари ва уларни амалга ошириш механизмларини инобатга олган ҳолда шакллантиришга кўмаклашади;

ҳудуд иқтисодиётининг устувор соҳаларини ривожлантиришга амалий инновацион тадбирларни жорий қилиш орқали соҳанинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади;

ҳудуддаги илмий салоҳият асосида иқтисодиётни жадал ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этади;

ижтимоий соҳани жадал ривожлантиришга ва унинг йўналишлари ва тузилмасини тубдан такомиллаштиришга инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этишни йўлга қўйиш ҳисобига унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини оширишга кўмаклашади;

корхоналарни маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар асосида модернизация қилиш, корхоналарда илмий марказлар фаолиятини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

таълим муассасалари аттестациясини сифатли ва самарали ўтказилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

таълим муассасаларининг ўкувчи ва талабаларининг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари ва давлат талабларига мувофиқлигини ўрганишни ташкил этишда иштирок этиш ва назорат қилиш;

таълим муассасаларининг аттестациясига жалб қилинадиган эксперталар номзодлари бўйича таклифлар киритиш;

фуқароларга ностирификация ва апостиль масалалари бўйича маслаҳатлар бериш ва методик ёрдам қўрсатиш.

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича тест синови орқали танлаб олиш тартибларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

бино ва иншоотларни тест синовларини ўтказиш учун жиҳозлаш борасида қўйиладиган талабларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;

тест синови иштирокчилари учун тест синовини ўтказиш тартиби бўйича амалий семинарлар ташкил қилиш;

тест топширувчилар учун тест синови тартиби бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқишида иштирок этиш;

тест синовларининг белгиланган тартиб ва қоидалар асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлаш;

тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;

тест синовлари назоратини амалга оширувчи масъул шахсларнинг билим, қўникма ва малакасини шакллантирувчи амалий семинарлар ташкил қилиш.

ҳудудда хорижий тилларни ўқитиши соҳасида «олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилоти-корхона» тамойилидаги узлуксиз таълим занжирини жорий этиш мақсадида аҳолининг барча қатламларига мос бўлган тилни ўрганиш бўйича услубиёт ва тавсияларни ишлаб чиқиши мувофиқлаштириш;

хорижий тилларни пухта ўзлаштириш, тилнинг асосий қўникмаларини шакллантириш учун видеоролик, ўйин, қўнгилочар кўрсатув, фильмлар ва бошқа ўргатувчи контент яратилишини ташкил этиш;

давлат тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан давлат тилига профессионал таржима қилиш услубиётларини яратиш ҳамда ушбу йўналишида мутахассисларнинг малакасини оширишда кўмаклашиш;

ҳудудда тармоқлар, давлат органлари ва таълим ташкилотлари кесимида хорижий тилларни билиш рейтингини юритиш, хорижий тилларни ўрганишни янада оммалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Бошқарма қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларни кўриб чиқади.

4-боб. Бошқарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

13. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бошқармалардан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур маълумот ва ахборотни белгиланган тартибда сўраш;

профессионал таълимнинг тааллуқли масалаларини ҳал этиш, таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ўкув-моддий базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар тайёрлаш, ходимлар ва ўқувчиларнинг белгиланган ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича Вазирликка таклифлар киритиш;

халқаро ва республика миқёсидаги илмий-тадқиқот дастурларида иштирок этиш, илмий инвестицияларни жалб этиш, таълим тизимиға халқаро грантлар киритилишини таъминлаш;

идоравий мансублигидан қатъий назар, профессионал таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва профессионал таълим масалалари бўйича бошқа амалдаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини ўрганиш;

бошлангич профессионал, ўрта профессионал ва ўрта маҳсус профессионал таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш юзасидан таклифлар бериш;

идоравий мансублигидан қатъий назар, бошлангич профессионал, ўрта профессионал ва ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари ўкув-методик ишларини ривожлантириш;

раҳбар ходимларнинг ўз лавозимларига лойиқлиги масалалари юзасидан Вазирликка, тасарруфида профессионал таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга таклифлар тайёрлаш;

хорижий инвестициялар ҳисобига сотиб олинадиган ўкув-лаборатория ва устахона жиҳозларининг қабул қилинган таълим стандартларига мос келиши, ишлатилиши ва сақланиши юзасидан таклифлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудий бошқармаларидан ўз ваколатига кирадиган

масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда олиш;

профессионал таълим соҳасининг энг муҳим муаммоларини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш бўйича ҳудуд миқёсида идоралараро комиссиялар ва кенгашлар тузиш;

ҳудудда жойлашган олий таълим муассасалари таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлимларининг фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш;

олий таълим муассасалари таркибида Таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари олий таълим муассасаси талабалари билимларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини ўрганиб бориш, таҳлил қилиш, кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини юритиш ҳамда олий таълим муассасасини ички баҳолашдан ўтказишни ташкил этиш ва ички баҳолаш натижаларини, таълим сифатига таъсир этган омиллар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилишда иштирок этиш;

Заруратга кўра олий таълим муассасалари таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари ходимларини ҳудудда олиб борилаётган таълим соҳасида юқлатилган вазифалар бўйича ёзма мурожаат асосида олий таълим муассасалари ректори билан келишган ҳолда жалб қилиш;

ҳудудлардаги аҳоли орасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш ва уларни мукаммал ўзлаштириш учун зарур шароитлар яратиш;

давлат тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан давлат тилига профессионал таржима қилиш услубиётларини яратиш ҳамда ушбу йўналишда мутахассисларнинг малакасини оширишда кўмаклашиш;

ўқитувчиларда замонавий, инновацион технологияларга асосланган ўқитиши кўникмаларини ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқишида иштирок этиш, ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги ҳалқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузишида иштирок этиш;

шартнома бўйича жисмоний ва юридик шахсларга илмий-методик, ахборот консалтинг ҳамда намунавий тест топшириқлари асосида диагностик тест синовлари ўтказиш хизматларини кўрсатиш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ташкиллаштиришда иштирок этиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган шунга ўхшаш тадбирларда иштирок этиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича методик материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиши;

ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузишда иштирок этиши;

ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиши;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқишида иштирок этиши, ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузишда иштирок этиши;

шартнома бўйича жисмоний ва юридик шахсларга илмий-методик, ахборот консалтинг ҳамда намунавий тест топшириқлари асосида диагностик тест синовлари ўтказиш хизматларини кўрсатиш;

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Бошқарманинг мажбуриятлари:

вазирликка юклатилган вазифа ва функцияларни тааллуқлилиги бўйича, шунингдек вазирлик қабул қилган қарор, буйруқ, кўрсатма ва топшириқларни сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлашда вазирликнинг Худудий бўлинмалар билан ишлаш бошқармасига бўйсунади ва ҳисобот беради;

хизмат вазифаларини вижданан бажаради ва ўз шаънига дод туширмайди;

ижро интизомига, ўқув ва меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларга риоя этади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда масъул бўлади;

ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиши;

Бошқарма ҳамда ўз фаолиятида белгиланган прогноз кўрсаткичларга эришишини таъминлаш;

вазирликка киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек, Бошқарма томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

профессионал таълим тизимини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «Йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг худудда самарали амалга оширилиши, тизимга доир муаммоли масалаларни ҳал этиши;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ташкиллаштиришда иштирок этиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган шунга ўхшаш тадбирларда иштирок этиш;

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши;

шартнома бўйича жисмоний ва юридик шахсларга илмий-методик, ахборот консалтинг ҳамда намунавий тест топшириқлари асосида диагностик тест синовлари ўtkазиш хизматларини кўрсатиш учун масъулдир.

5-боб. Бошқарма бошлигининг жавобгарлиги.

15. Бошқарма бошлиғи:

Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ушбу Уставнинг 14-бандида назарда тутилган Бошқарманинг мажбуриятлари ва жавобгарлик соҳалари бўйича вазифаларини сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

6-боб. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш.

16. Бошқармага Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошқарма бошлиғи раҳбарлик қиласи.

Бошқарма бошлиғи вақтинча бўлмаган даврда унинг вазифаларини Вазирлик билан келишилган ҳолда шуъба мудирига юклатилади.

Бошқарма бошлиғи бўлмаган вақтда унинг ваколатлари шуъба мудири томонидан бажарилади.

17. Бошқарма ўз ваколати доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг худудий бўлинмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи.

Бошқарма ўз фаолияти юзасидан ҳудуддаги ҳокимлик сўровига мувофиқ тегишли маълумотлар тақдим этади.

18. Ҳудуддаги туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солик хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиласи ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари (бундан буён матнда Сектор деб юритилади) билан ҳамкорлик қиласи.

19. Бошқарма Вазирликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қиласи, шу жумладан:

вазирлик раҳбаријати топшириқларининг ижроси, соҳада қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида

вазирликнинг Худудий бўлинмалар билан ишлаш бошқармасига ахборот тақдим этади;

профессионал таълим муассасаларининг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида маълумот беради;

Бошқарма фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда вазирликнинг Худудий бўлинмалар билан ишлаш бошқармасига тақдим этади;

профессионал таълим муаммоларини ҳал қилишга қаратилган таклифларни вазирликка юборади;

Секторлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари тўғрисида ахборот беради;

ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида хабар беради.

20. Бошқарма таркибий бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорлиги бўлинмаларнинг раҳбарлари томонидан таъминланади.

21. Бошқарма таркибий бўлинмаларининг ҳамкорлик қилиш доирасида:

топшириқларни профессионал таълим муассасаларига етказади ва уларнинг бажарилишини назорат қиласи;

бевосита фаолияти бўйича сўровлар юборади ва уларнинг ижросини назорат қиласи;

олий ва профессионал таълим муассасаларининг фаолиятини ўрганади, ўқув тарбиявий жараённи такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни таҳлил қиласи, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқади ва тегишли қарорлар қабул қиласи;

олий ва профессионал таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш, такомиллаштириш бўйича ҳисбот ва ахборот материаллари, шунингдек статистик маълумотларни ўрганади;

таълим ва инновация жараёнини такомиллаштириш ва ривожлантириш хақидаги олинган таклифларни ўрганиб чиқади. Зарур ҳолларда ушбу таклифларни юкори ташкилотларга кўриб чиқиш учун юборади;

7-боб. Бошқармани молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тулаш ва уларни моддий рағбатлантириш.

22. Қуйидагилар Бошқарма фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари;

ҳомийлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари;

грантлар, хизмат кўрсатишдан тушган даромадлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

23. Бошқарма ходимларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган меҳнатга ҳак тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади.

24. Бошқарма ходимларига ойлик иш ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш манбалари Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар.

25. Бошқармани қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Бошқарманинг Устави Вазирлик томонидан тасдиқланиб, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қучга киради.

27. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг буйруғи билан амалга оширилади.